



Ахмад Али ал-Ажмий Саудия Арабистонининг Шаркидаги Хубар худудида таваллуд топган машхур корилардан биридир.

Асл исми Ахмад бин Али бин Мухаммад бин Сулаймон ал-Ажмий бўлиб, у 1968 йилнинг 24 феврида таваллуд топган. Ахмад ал-Ажмий Хубарнинг Жанубидаги Мухаммадия мадрасасининг бошлангич боскичини тугатгач, ўрта боскични Зубайр бин Аввом (розияллоху анху) номли мактабда давом этказди. «Имом Мухаммад ибн Сауд» дорулфунунининг фикх куллиётини тамомлагач, Ахмад ал-Ажмий Покистонга борди. Покистоннинг Лохур шаҳрида «Куръоннинг тафсир ва тахлили» соҳасида магистратура, кейин эса докторлик диссертацияларини химоя килди.

У биринчи марта 1984 (хижрий 1404) йили Мугийра бин Шуъба (розияллоху анху) масжидида имомликка ўтган. Кейин эса 1985 йили ўз шаҳри бўлмиш Хубарнинг марказий жомеъ-масжидида имомлик килган.

1992 йили эса Хубардаги ал-Амир Мухаммад бин Фатх масжидига, кейин эса Райён масжидига имом этиб тайинланган.

Хозирда у Жидда шаҳридаги жомеъ-масжидларнинг бирида имомлик вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Ахмад ал-Ажмий томонидан кўплаб Куръон тиловатлари ёзиб олинган. Бундан ташқари, радио ва теле-эфирларда ҳам чикиб туради.

У кўплаб маъруза ва теле-дастурларни ҳам олиб боради. Уларда Ислом динига оид бўлган муҳим мавзулар ёритилиб борилади.

Ахмад ал-Ажмий чиройли нашидлари билан ҳам кўпчиликка танилган.

У оилали, 6 фарзанднинг отаси.

Фарзандлари: Абдуллох, Умар, Фотима, Марям, Мувдий ва Абдур Рохман.

Айни дамда у ўз оиласи билан Саудия Арабистони худудида, Хубар шаҳри яқинидаги ал-Урқобия шаҳарчасида истикомат килади.

Энг ожиз банда тайёрлаган